

2/2024,  
mart-  
aprel  
(№ 00070)



## **ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Ахмедов Икром Акрамович**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори, и.ф.д.*

*Тошкент, Ўзбекистон, [i.ahmedov@tsue.uz](mailto:i.ahmedov@tsue.uz)*

*<https://orcid.org/0009-0006-1866-4456>*

***DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol12\\_iss2/a17](https://doi.org/10.55439/EIT/vol12_iss2/a17)*

### **Аннотация**

Ушбу мақолада экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг асосий йўналишлари тадқиқ этилган. Бунда халқаро ва миллий маркетингдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Халқаро маркетинг ташқи бозор конъюнктураси асосида миллий ишлаб чиқаришни шакллантириши, ўз ихтисослашувини аниқлаши ва компанияларнинг ташқи иқтисодий, савдо фаолиятини ташкил этиши, бошқариш ва назорат қилиш билан сифатида таҳлил этилган. Экспортбоп маҳсулотларнинг рақобатдошлигини баҳолашнинг услублари таҳлил этилган. Рақобатдошликка таъсир этувчи диверсификация, модернизация ва инновацион омилларнинг таъсири таҳлил этилган ва мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда уларнинг муҳим аҳамият касб этиши очиб берилган ва изоҳланган.

**Калит сўзлар:** ташқи иқтисодий фаолият, экспортбоп маҳсулотлар, маркетинг, халқаро маркетинг, рақобат, рақобатдошлик, рақобатдошликка таъсир этувчи омиллар, рақобатли устунлик, экспорт салоҳияти, диверсификация.

### **ОСНОВНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВА ЭКСПОРТООРИЕНТИРОВАННОЙ ПРОДУКЦИИ**

**Ахмедов Икром Акрамович**

*Профессор Ташкентского государственного экономического университета,*

*DSc, Ташкент, Узбекистан.*

### **Аннотация**

В данной статье рассмотрены основные направления производства экспортоориентированной продукции. В ней рассматриваются проблемы, связанные с использованием международного и национального маркетинга. Международный маркетинг анализируется как формирование национального производства на основе условий внешнего рынка, определение специализации и организации, управление и контроль внешнеэкономической и торговой деятельности компаний. Анализируются методы оценки конкурентоспособности экспортоориентированной продукции.

Проанализировано влияние факторов диверсификации, модернизации и инноваций, влияющих на конкурентоспособность, выявлено и объяснено их значение в повышении экспортного потенциала страны.

**Ключевые слова:** внешнеэкономическая деятельность, экспортоориентированный продукт, маркетинг, международный маркетинг, конкуренция, конкурентоспособность, факторы

влияющие на конкурентоспособность, конкурентное преимущество, экспортный потенциал, диверсификация.

## THE MAIN DIRECTIONS OF PRODUCTION OF EXPORT-ORIENTED PRODUCTS

**Akhmedov Ikrom Akramovich**

*Professor, Tashkent State University of Economics, DSc, Tashkent, Uzbekistan.*

### Abstract

This article discusses the main directions of production of export-oriented products. It examines the problems associated with the use of international and national marketing. International marketing is analyzed as the formation of national production based on foreign market conditions, the determination of specialization and organization, management and control of foreign economic and trade activities of companies. Methods for assessing the competitiveness of export-oriented products are analyzed.

The influence of factors of diversification, modernization and innovation that affect competitiveness is analyzed, their importance in increasing the country's export potential is identified and explained.

**Key words:** foreign economic activity, export-oriented product, marketing, international marketing, competition, competitiveness, factors influencing competitiveness, competitive advantage, export potential, diversification.

### Кириш

Республикамиз хўжалик юритувчи субъектлари учун ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш шу аснода жаҳон хўжалиги тизимига интеграцияни чуқурлаштириш долзарб аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” га фармонининг 28-мақсадида: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 миллиард АҚШ долларига етказиш. Экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш. Мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш. Ташқи бозор ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машҳур брендларни жалб қилиш[1] давр талаби эканлигини белгилаб берилган.

Юқоридаги белгилаб берилган мақсадга эришиш маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига хорижий инвестор ва менежерларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувда, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашда, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда уни ташқи бозорга олиб чиқишда уларнинг фаол иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, акциядорлик жамиятларининг устав капиталларида давлат активлари ва улушларини қисқартириш ҳисобидан иқтисодиётда давлатнинг иштирокини кескин камайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар самарасини ошириш заруратини кун тартибига қўяди. Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда ташқи иқтисодий фаолиятга ва уни бошқаришда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг таъсирини тадқиқ этиш муҳим аҳамиятга эга.

### Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Ташқи иқтисодий алоқалар, айниқса, миллий иқтисодиётни турли тармоқлари

рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар кўплаб хорижий олимларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган. Улар томонидан корхоналарда маркетингни ташкил қилишнинг умумий масалалари билан бирга ташқи иқтисодий фаолиятда маркетинг билан боғлиқ турли йўналишлари ҳам ўрганилган.

Шунингдек улар томонидан халқаро ва миллий маркетинг хусусий томонларининг назарий асослари, халқаро бозорда тадбиркорлик юритиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган. Улардан баъзи бирларига тўхталиб ўтамиз.

Ҳозирги даврда давлат фаровонлиги нуқтаи назаридан ташқи савдони мақбул тартибга солиш масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вазиятда ички ва жаҳон бозорларида номукамал рақобат шароитида экспорт оқимларини давлат томонидан тартибга солиш экспорт қилувчи компаниялар ва истеъмолчилар фойдасига ҳамда давлат даромадларига таъсир қилади.

Турли муаллифларнинг (А. Диксит, Ж. Итон ва Ж. Гросман, Ж. Брендер ва Б. Спенсер) назарий асарларида олинган натижаларнинг қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики [12,3,4,5,6] экспорт қилинадиган товарларга нисбатан давлатнинг оптимал ташқи савдо сиёсатининг йўналиши компанияларнинг жаҳон бозорида ўзаро муносабатларининг хусусиятига боғлиқ. Жамият фаровонлиги нуқтаи назаридан, компаниялар жаҳон бозорида нархлар ёки сотиш ҳажми бўйича ўзаро алоқада бўлишига қараб, экспортни солиққа тортиш ёки субсидиялаш фойдали бўлиши мумкин. Давлатнинг ижтимоий фаровонликни ошириш сиёсати маҳаллий экспорт қилувчи компанияларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлашга қаратилган. Бироқ, ташқи савдони тартибга солиш воситаларидан фойдаланиш бу мақсадга эришишнинг ягона йўли эмас. Хусусан, маҳаллий экспорт қилувчи компанияларнинг жаҳон бозоридаги мавқеини мустаҳкамлаш учун экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқарувчиларининг ички концентрациясини тартибга солиш сиёсатидан фойдаланиш мумкин. Ушбу масалани ўрганиш маҳаллий экспорт қилувчи компанияларнинг бирлашишини тартибга солиш сиёсатини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши керак бўлган қўшимча жиҳатларни очиб беради.

Тадқиқотда кўриб чиқиладиган бозорда ички ва халқаро рақобат номукамал бўлган тақдирда, маҳаллий экспорт қилувчи ишлаб чиқарувчилар ҳажмини тартибга солиш уларнинг экспорт стратегияси ва жамият фаровонлигига таъсир қилиши мумкинлигини исботловчи таҳлилар батафсил кўриб чиқилган. А. Эквайер йирик компаниялар масштаблар иқтисодиёти таъсири туфайли ташқи савдо фаолиятида самаралироқ эканлигини кўрсатди[7]. Бироқ, бу экспортга йўналтирилган саноат ишлаб чиқарувчилари ўз ҳажмини оширишга интилишининг ягона сабаби эмас. Йирик ва кичик маҳаллий экспорт қилувчи компанияларнинг маҳсулотларини жаҳон бозорида номукамал ўринбосар сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ушбу ҳолат компаниялар томонидан халқаро етказиб берувчилардан қўшимча фойда олиш учун ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари, каттароқ ҳажм ички бозорда катта бозор кучини назарда тутди. Француз саноати мисолидан фойдаланиб, А. Эквайер ўз хулосаларининг ҳақиқат эканлигини исботлаган. А. Бернард, М. Роберт ва Дж. Тибуота, Б. Айткен каби иқтисодчиларнинг илмий тадқиқотларида[9,10,11], шунингдек, рус тадқиқотчиси К. Козловнинг илмий изланишларида[12] компаниянинг ҳажми ва унинг экспорт стратегияси ўртасида боғлиқлик борлигини ўрганганлар.

Экспортга йўналтирилган соҳаларда марказлашувини тартибга солиш бўйича давлатнинг мақбул сиёсати масаласи А. Дикситнинг назарий моделида кўриб чиқилган[8]. Муаллиф шуни кўрсатадики, экспорт товарларининг ички бозорида импорт қилинадиган товарларнинг оз улushi билан компанияларнинг бирлашини рағбатлантириш жамият фаровонлиги нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин. Аксинча, бундай сиёсат импорт ўрнини босувчи соҳада ёки ёпиқ иқтисодиётда фойдали эмас. Худди шу хулосага Ш. Хорн ва Дж. Левинсон каби иқтисодчилар ҳам жаҳон бозор иштирокчилари сифатида мамлакатлар миқёс иқтисодиётининг потенциал фойдаларидан кам фойдаланаётганини таъкидладилар[10]. Шундай қилиб, аксарият муаллифлар иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган соҳаларда ички концентрацияни ошириш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин деган хулосага келишади.

АҚШлик иқтисодчилар Д. Шульц ва Ф. Киченлар ўз тадқиқотларида компаниялар имижини умуман ташқи бозордаги фаолияти учун муҳим ҳисобланди. Чунки ташқи бозорда компания юқори қийматдаги савдо бренди билан янги ҳудудларни эгаллаши ва ҳар бир ҳудуд учун алоҳида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиши мумкин. Жаҳон хўжалиги тизимидаги жадал ўзгаришларда савдо брендини истеъмолчилар ҳақиқий қиймат сифатида қабул қилиб, интеграциялашган маркетингнинг “калити”га айланганлигини баён этишади[13].

Россиялик иқтисодчилар Н. Лясников ва Ю. Лясниковалар ўз тадқиқотларида товар ва хизматларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиб юриши билан боғлиқ бу мураккаб жараён – халқаро маркетинг заруратини юзага келтиради. Халқаро маркетинг давлатларнинг ташқи бозор конъюнктураси асосида миллий ишлаб чиқаришни шакллантириш, мамлакатлар ихтисослашуви ва турли компанияларнинг ташқи иқтисодий, савдо фаолиятини ташкил этиши, бошқарув ва назоратнинг марказлашуви билан тавсифланишини асослайдилар[14]. Чунки жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви мамлакатлар ва турли минтақавий тузилмаларнинг халқаро ихтисослашувини кучайтиради ҳамда ўзаро товар ва хизматлар айирбошлаш ривожланишига хизмат қилади.

Биз ўз тадқиқотларимизда таъкидлаганимиздек, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, рақобатнинг кўчайиши ҳамда маҳсулот ва хизматларнинг ҳаётийлик даврининг икескин қисқаришининг ҳозирги тенденциялари компания ходимларининг янги кўникма ва малакасини шакллантириши тажриба тўплаши, шу асосида бошқарув менежментида ўзгаришларга нисбатан ҳозиржавоблик ва мослашувчанлик сингари сифатларни ривожлантиришни илгари сурмоқда[15].

Бундай тадқиқотлар муҳим илмий-услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республикамиз корхоналарининг ташқи иқтисодий салоҳияти, ташқи бозорда экспорт фаолиятини ривожлантиришда халқаро маркетинг усулларини самарали жорий этиш бўйича илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Мавзу доирасида муаллиф томонидан таклиф этилаётган миллий компанияларнинг ташқи бозорларга чиқиши ва экспорт салоҳиятини ошириш йўллари юзасидан амалий тавсиялар иқтисодиётнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожланиш йўналишлари, корхоналарни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлаш шартларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши илмий-амалий қизиқиш уйғотади.

**Тадқиқот методологияси**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг охириги йилларда ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштириш, экспортни қўллаб-қувватлаш соҳасида ўтказган йиғилишларидаги белгилаб берилган муҳим вазифалардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот муаммоси танланган. Тадқиқотнинг индукцион йўналиши танланган бўлиб, илмий билишнинг иқтисодий таҳлил, мантиқийлик, илмий абстракциялаш, гуруҳлаш усуллари орқали тадқиқот муаммоси очиб берилган. Хорижлик ва юртимиз олимларининг илмий ишлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асосларини ташкил этади. Ташқи иқтисодий фаолиятда халқаро ва миллий маркетинг хусусий томонларининг назарий асослари, халқаро бозорда тадбиркорлик юритиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган.

### **Таҳлил ва натижалар**

Мамлакатнинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий соҳада яқинлашувига асос бўлиб хизмат қилади ҳамда жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция учун янги имкониятлар яратади. Ўз имкониятлари ва ҳамкор мамлакатлар ресурсларини сафарбар этган ҳолда мана шу иштирок бир қанча жуда катта миллатлараро лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш имконини беради.

Ташқи иқтисодий алоқалар иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва фаолиятнинг бошқа соҳаларида давлат ва унинг субъектлари халқаро ҳамкорлигининг хилма-хил шакллари тизимидир[16].

Ташқи иқтисодий фаолият деганда давлат идораларининг, юридик ва жисмоний шахсларининг бошқа хорижий давлатлар, уларнинг юридик ва жисмоний шахслари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик ўрнатишга, бундай ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган жами амалий ҳаракатлари тушунилади [17]. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг ташқи савдо фаолияти, халқаро иқтисодий ва молиявий ҳамкорлик ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш асосий йўналишлар ҳисобланади (1-расм).

Цивилизациянинг ривожланиши маълум давлатларни жаҳон хўжалиги алоқаларига мунтазам равишда жалб этишга олиб келади, бу эса ўз навбатида, ягона глобал жаҳон иқтисодиётини барпо этишга имкон яратади. Дунёдаги деярли барча мамлакатлар умумиқтисодий қонунлар асосида ривожланади, бу қонунлар халқаро муносабатлар иқтисодий характерининг устувор бўлишини кафолатлайди.

Эҳтиёжларнинг доимо мураккаблашиб борувчи таркиби, ресурслар танқислиги ва олислиги нафақат алоҳида олинган давлат ичидаги ҳудудлар ўртасида, балки турли давлатлар ва жаҳон минтақалари ўртасида ҳам янада самаралироқ айирбошлаш воситаларини талаб этади.

Дунёнинг турли минтақаларида иқтисодий ривожланиш ва аҳолининг ўсиши нотекис юз беради, бу ҳам халқаро айирбошлашни кенгайтириш заруратини юзага келтиради; ушбу жараёнлар янги бозор, яъни товарлар, хизматлар, меҳнат, молия ва бошқа бозорларни ривожлантиришга, хомашёни Ташқи иқтисодий алоқаларнинг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида олинган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ва бир-бирига боғлиқлигининг кучайиши билан белгиланади. Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий алоқалари турли соҳаларда: ташқи савдо, фаолиятининг илмий-техник, ишлаб чиқариш, инвестиция, валюта-молия ва кредит, ахборот, маданий ва спорт турлари, меҳнат ресурсларини олиб ўтишда белгиланади. Ташқи иқтисодий

алоқаларнинг ана шу барча турларини қуйидаги шаклларга бирлаштириш мумкин: савдо (товарларни айирбошлаш, хизматлар кўрсатиш), қўшма тадбиркорлик, ҳамкорликнинг бошқа турлари. Улар халқаро иқтисодий муносабатлар амалиётида, айниқса, кенг тарқалган.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш умумий ва универсал тушунча бўлиб, субъектларга ва шу субъектлар орқали уларнинг фаолиятига таъсир этишни англатади. Бошқарувнинг мазмуни унинг соҳаси (ТИФ, саноат, транспорт ва бошқалар) ҳамда даражаси (давлат, минтақавий, соҳалар, корхона ва бошқалар) билан белгиланади. Ҳар қандай соҳа ва ҳар қандай даражадаги бошқарув муносабатларнинг ҳар хиллигини қамраб олади ва объектив ва субъектив омиллар йиғиндиси таъсирида бўлади. Бошқарувнинг Бозор шароитида давлатнинг бутун иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий фаолиятга таъсири хусусияти қисман ўзгаради: у тартибга солиш, яъни асосан иқтисодий усуллар билан бутун иқтисодиёт ва унинг ташкилий қисмларининг фойдали ҳаракатини таъминловчи маълум шароитларини яратиш шаклини олади. “Тартибга солиш” атамаси билан бир қаторда Савдо ва таърифлар бўйича бош ассамблея ва қатор мамлакатлар ҳужжатларида “регламентация” атамаси ҳам қўлланилади.


Ташқи иқтисодий фаолият давлат томонидан тартибга солинишининг объектив зарурати, иқтисодий назарияда тан олинган ва саноати ривожланган мамлакатлар хўжалик юритиш амалиёти билан тасдиқланган. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши бутун жаҳонда кенг қўлланилади. Бозор хўжалиги шароитларида у миллий иқтисодиёт манфаатларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштиришни рағбатлантирувчи, амалга оширувчи ва назорат қилувчи қонуний чора-тадбирлар тизимини ташкил этади. Бу чора-тадбирлар давлат корхоналари ҳамда ижтимоий ташкилотлар томонидан ҳам амалга оширилади.

Ҳаракати ва унинг услублари, тамойиллари, ривожланиши аниқ иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитлар билан белгиланади.

Олиб кириш, технология ва ахборотларни айирбошлаш, илмий, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва бошқа ташқи иқтисодий алоқаларга имкон яратади.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин. Тартибга солишдан мақсад мамлакат ташқи иқтисодий комплексини халқаро меҳнат тақсимодининг ўзгарувчан шароитларига мослаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида илфोर силжишларни рағбатлантиришдан иборат.

Давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси ташқи иқтисодий фаолиятнинг замонавий концепцияларини ишлаб чиқишдир. Концепция назарда тутилган соҳанинг ривожланиш мақсадлари, натижа ва фойда олиш йўналишлари, ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш вазифаларини белгилашни ўз ичига олувчи умумий ғоядир.



**1-расм. Мамлакатнинг ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этишнинг асосий йўналишлари \***

*\*Муаллиф ишланмаси*

Ташқи ва ички омиллар ҳар доим ташқи иқтисодий сиёсатга икки хил ёндашувни талаб этлади. Булар савдо эркинлиги ва протекционизмдир. Савдо эркинлиги деганда, ташқи савдо масалалари бўйича қарор қабул қилинишида хорижий товарларнинг миллий бозорга чекланмаган кириш имконияти тушунилади. Протекционизм эса давлатнинг ташқи иқтисодий, ташқи савдо фаолиятига аралашуви, миллий ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий товарларга нисбатан турли чегирмалар амалга оширишни таклиф этади. Ҳар хил даврларда ҳар хил мамлакатларда бу икки ёндашув бир вақтда мавжуд бўлган, аммо уларнинг ўзаро муносабатлари ҳар хил, яъни ташқи ва ички омиллардан келиб чиқиб белгиланувчи бир-биридан устунлигидир.

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий сиёсат давлат ҳокимиятининг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, фан-техника, ишлаб чиқариш ва бошқа алоқаларини ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги стратегик вазифаларни ҳал этиш мақсадида мамлакатнинг халқаро меҳнат тақсимоотида иштирокини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қаратилган давлат ҳокимияти тадбирлари тизимидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши миллий иқтисодиётнинг бошқа доираларини тартибга солиш билан қиёслаганда ўзига хос

хусусиятларга эга. Бу ўзига хослик ҳар бир давлат халқаро савдонинг меъёр ва тамойиллари билан ҳисоблашиши зарурлигидан келиб чиқади. Ҳар қандай давлат ўз ривожланиши, иқтисодиётининг фойдалилигини оширишда, ўз миллий манфаатларини амалга ошириш мақсадида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда бошқа мамлакатлар манфаатига путур етказмаслиги ва халқаро ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган қоидалар даражасидан чиқмаслиги зарур.

Шундай қилиб, давлатнинг ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш чегаралари бир томондан, миллий экспортни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга эҳтиёж билан белгиланса, бошқа томондан, халқаро ташкилотлар қоидалари билан белгиланади. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш предмети қуйидагилардан иборат (2-расм).


Бундан ташқари, барча давлатлар ўз миллий компанияларининг рақобатчилари фаолиятини чеклаш учун турли усуллардан фойдаланади, масалан, уларнинг ички бозорга кириб келишига тўсқинлик қилиш, уларнинг иш олиб бориши учун оғирроқ шароит, юқори экологик талаблар ва ҳоказолар яратиш.

Минтақавий кириб боровчи гуруҳларнинг пайдо бўлиши шунга олиб келдики, миллий даражадаги тартибга солиш билан бирга, минтақавий гуруҳлар орасида, яъни ташқи иқтисодий фаолиятни минтақавий даражада тартибга солиш амалга оширила бошлади.

Иқтисодиётнинг барча соҳалари ўзаро ҳамжиҳатлик билан муваффақиятли фаолият юритишига уни оқилона бошқариш ва тартибга солиш орқали эришилади. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг таркибий тузилишига катта таъсир кўрсатади. Бундай аралашувнинг зарурати мамлакатда доимий иқтисодий ўсиш ҳамда асосий товар ва хизматлар баҳоси барқарорлигини таъминлашдан келиб чиқади. Бундан ташқари, давлат ташқи иқтисодий сиёсатининг товар экспорти ва импортини эътиборга олган ҳолда ташқи иқтисодий фаолиятни муваффиқлаштириб туриш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан тўлиқ таъминлаш ва миллий иқтисодиёт ривожланишида иқтисодиётни давлат турли иқтисодий механизмлари орқали тартибга солиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд имкониятлардан самарали ва оқилона фойдаланиш натижасида республикамизнинг куч ва қудратини, иқтисодий салоҳиятини ошириш, халқаро майдонда ўз ўрнини эгаллашида иқтисодиётнинг устувор йўналишларини ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ассортименти, ҳажмини кенгайтириш бугунги куннинг асосий вазифасидир.





**2-расм. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишнинг асосий йўналишлари\***  
**\*Муаллиф ишланмаси**

Ташқи иқтисодий фаолиятда Марказий Осиё давлатлари билан кўп томонлама алоқани ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Республикамизнинг Яқин Шарқ ва Жануби-шарқий Осиёдаги ривожланаётган мамлакатларга яқинлиги, чегарадошлиги, Европа ва Осиё мамлакатлари савдо йўлида жойлашганлиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Бунинг натижасида экспортга ихтисослашган қўшма корхоналарни яратиш, табиий ресурслардан фойдаланиш бўйича чегарадош хўжаликларни ташкил қилиш, эркин иқтисодий минтақаларни шакллантириш негизида ташқи иқтисодий фаолиятни янада ривожлантириш имкониятлари вужудга келади. Республикамиз қадимий “Буюк Ипак йўли”да жойлашганлиги сабабли у Европа ва Осиё ўртасида иқтисодий ва маданий “кўприк” вазифасини бажариши мумкин. Ана шундай кўприк доирасида товарлар, технологиялар, сармоялар, ишчи кучи, маданий қадриятларнинг ҳаракат қилиши ва айирбошланиши учун қулай шарт-шароит яратилиши мумкин.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик миллий қонунчилик асосида ҳам ҳуқуқий тартибга солинади. “Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисида”ги қонун бу жараённинг самарадорлигини таъминлайди, унда Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш, узайтириш ва бекор қилиш ҳуқуқий воситаларининг амал қилишида тегишли вазирликлар ва идораларнинг ваколатлари, ихтисослашувлари аниқ белгиланган. Бу қонун мамлакат бўйича умуман ташқи алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини расмийлаштириш соҳасини ривожлантиришга олиб келди.

Мустақилликдан кўп ўтмай қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни мамлакатда ташқи иқтисодий фаолиятни ҳар томонлама мувофиқлаштиришда муҳим ўрин тутди. Тадқиқотларга кўра, бу қонун иқтисодий бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларида бозор усулларига босқичма-босқич ўтиш, ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш шароитларида иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларида муҳим аҳамият

касб этади. Бироқ 90-йилларнинг охирларида бошланган мамлакат иқтисодиётини эркинлаштириш жараёнлари ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш олдига янги-янги талабларни қўя бошлади.

Бундан ташқари, республикада мазкур қонунга маълум даражада дахлдор бўлган қатор қонунлар қабул қилинди. “Валюта бошқаруви тўғрисида”, “Хорижий инвестициялар тўғрисида”, “Божхона тарифи тўғрисида”, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир. Шу муносабат билан 2000 йил май ойида мамлакат парламенти томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди, унда бу соҳада кейинчалик қонун яратиш фаолияти учун асос бўлувчи ташқи иқтисодий фаолиятнинг концептуал асослари аниқ белгилаб берилди. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг республикамиз учун зарурлиги ва устуворлигини қуйидаги мисоллар билан ифодалаш мумкин:

биринчидан, республиканинг экспорт қудратини ривожлантириш ва янада мустаҳкамлаш, экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантириш. Экспортга йўналтирилган иқтисодиётни шакллантиришга оид махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати пайдо бўлди [18];

иккинчидан, экспорт имкониятини кенгайтириш, жаҳон бозорларига кириб бориш учун, аввало, хомашёни қайта ишлаш негизида тайёр юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарувчи қўшма корхоналарни ривожлантириш. Хорижий шериклар билан биргаликда замонавий ихчам корхоналар барпо этиб, уларни меҳнат ресурсларининг манбалари бўлмиш республикамизнинг барча ҳудудларида барпо этиш зарур;

учинчидан, экспортни кенгайтиришга қаратилган стратегияни фаол қўллаш билан бир қаторда импортнинг салмоғини қисқартиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан ижобий томонга ўзгаради, жумладан, мамлакатимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлган товар ва маҳсулотларнинг четдан келтирилишини оқилона даражада камайтириш талаб қилинади;

тўртинчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, хўжалик ишларини юритувчи субъектларга хорижий шериклар билан бевосита алоқалар ўрнатишда, ўз маҳсулотини чет мамлакатларда сотишда кўпроқ эркинлик бериш, товарларни экспорт ва импорт қилишда бирмунча имтиёзли тартибни жорий этиш борасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юритилади;

бешинчидан, хорижий сармояларни, асосан бевосита капитал маблағлар тарзидаги сармояларни республика иқтисодиётига кенг кўламда жалб этиш учун зарур ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда бошқа шарт-шароитларни вужудга келтириш, қўшма корхоналар ташкил қилишда кўмаклашиш, шунингдек, сармоядорларнинг манфаатлари ҳимоя қилиниши таъминланади;

олтинчидан, ташқи иқтисодий фаолият таркибий қисмлари мажмуини – ихтисослаштирилган ташқи савдо, лизинг, консалтинг ва суғурта фирмалари, ташқи алоқаларни ривожлантириш манфаатлари ва шартларига мос келувчи транспорт, алоқа ва коммуникациялар тизимлари вужудга келтирилади;

еттинчидан, халқаро ҳуқуқ ва ташқи иқтисодий фаолият, банк тизими, ҳисоб-китоб ва статистик ҳисобот соҳасида малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш.

Бундан ташқари, республика фуқаролари ва юридик шахсларнинг ақлий мулкани ҳимоя қилиш учун республикамизнинг патент-лицензия ишлари тизимини йўлга қўйиш, халқаро битимларга қўшилиш имкони яралади. Маҳсулотни стандартлаш ва сертификатлаш халқаро тизимига изчиллик билан ўтиш ниҳоятда зарурдир. Ташқи иқтисодий фаолиятнинг мана шу ва бошқа йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига тезроқ бирлашиши учун иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни вужудга келтириш имконини беради.

Республиканинг халқаро ташкилотлар фаолиятида иштирок этиши унинг жаҳон мамлакатлари билан иқтисодий ва бошқа соҳаларда яқинлашувига асос сифатида хизмат қилади, жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига бирлашиши учун янги истиқболлар очади. Кучлар ва ҳамкор бўлган мамлакатларнинг ресурсларини сафарбар этган ҳолда бир қанча жуда катта лойиҳаларни биргаликда рўёбга чиқариш, минтақалараро муаммоларни ҳал этиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон денгиз савдо йўлларига тўғридан-тўғри чиқа олмаслиги ташқи иқтисодий фаолиятнинг имкониятларини анча чеклаб қўяди. Шу боисдан халқаро алоқаларни бундан буён ривожлантириш учун ташқи ҳаво кўприklarини йўлга қўйиш билан бир қаторда республиканинг давлатлараро автомобиль ва темир йўл магистраллари қурилишида иштирок этиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Ана шу магистраллар Ҳинд ва Тинч океанлари, Қора денгиз ва Ўрта денгиз ҳамда Форс кўрфазидаги катта портларга чиқишни таъминлайди.

Ташқи иқтисодий соҳа тармоқлари мажмуини вужудга келтирмай, инвестиция, молия, банк-кредит ташкилотлари, божхона хизмати ишини халқаро стандартлар ва талаблар даражасида йўлга қўймай туриб, халқаро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ишда, шунингдек, мазкур муассасалар учун мутахассислар тайёрлашда, уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлашда энг йирик халқаро ташкилотлар ва банклар томонидан берилувчи техникавий ёрдам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очиқ эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-ҳунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз [19]. Амалиётга кўра, республика иқтисодиётининг бозор тамойиллари асосида ривожланиши унинг ташқи иқтисодий фаолиятини фаоллаштиради, бу эса ўз навбатида, турли даражаларда: умуман иқтисодиёт, алоҳида минтақалар, қўшма ва маҳаллий корхоналар даражасида иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ижобий ёрдам беради.

Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш стратегияси Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур омили ҳисобланади. Ташқи иқтисодий фаолиятга қаратилган иқтисодиёт, аввало, эгилувчан, динамик иқтисодиёт бўлиб, унда янги компаниялар вужудга келади, эскирганлари йўқолади, янги бозорлар изланади, янги бозор қисмлари ўзлаштирилади. Бу жараёнда ташқи иқтисодий фаолият ва унинг асосий таркибий қисми – юқори қайта ишлов даражасига эга товарлар экспорти муҳим аҳамият касб этади.

Тармоқлар ва корхоналарнинг менежмент даражасини кўтариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга асосланган Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги концепцияси ишлаб чиқиблиб, янада ривожлантирилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”га фармонининг 28-мақсадида, юқорида келтирилганларимиздан ташқари: хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш; Автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 миллиард АҚШ долларига етказиш; туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таъминотлар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 миллиард АҚШ долларига етказиш; экспортчи корхоналарга кўрсатилаётган ташкилий ва молиявий ёрдам бериш тизимини такомиллаштириш; экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳажмини 3,3 баравар кўпайтириб, Европа давлатларига GSP+ тизими доирасида тайёр маҳсулотлар экспортини кенгайтириш; маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижий давлатларга чиқаришда кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш ҳисобига экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6 500 тадан 15 000 тага, товарларнинг экспорт географиясини 115 тадан 150 тага етказиш; «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» ғояси асосида 200 та экспортчини очиқ танлов асосида саралаб, уларни етакчи экспортёрларга айлантириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш; қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларда эркин савдо зоналари фаолиятини йўлга қўйиш [1] каби вазифалар белгилаб берилган.

Товар ва хизматлар экспортдан (хомашё товарлари бундан мустасно) валюта тушумининг белгиланган қисмини мажбурий сотишни камайтириш, ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни экспорт қилувчи корхоналарга белгиланган имтиёزلарни маҳаллий товарларни экспорт қилувчи савдо-воситачилик корхоналарига ҳам татбиқ этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, фойдаланилган машина, жиҳоз ва техникаларни экспорт қилишни соддалаштириш ва тартибини аниқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги санитария нормалари ва карантин қоидаларини жаҳоннинг илғор мамлакатлари стандартларига мувофиқлаштириш кўзда тутилган.


Ташқи иқтисодий фаолиятда ривожланиш мутаносиблигини қўйидаги шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мумкин:

Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятдан олинган маблағлар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва инновацион фаолиятга йўналтирилади. Узоқ муддатли муваффақиятга йўналтирилган стратегик бошқарувнинг яхлит тизимини яратиш муайян тамойиллар ва ташқи иқтисодий фаолият ривожланишининг мувозанатлаштирувчи кўрсаткич-ларига асосланади. Молиявий таркибий қисм ташқи иқтисодий фаолиятда мувозанатлаштирилган кўрсаткичлар тизимининг асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Шундай қилиб, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчи-корхоналар мамлакатдаги мавжуд ички устунликлардан ажралиб турувчи рақобат устунликларига эга бўладими, улар пировард натижада корхоналарнинг жаҳон хўжалиги алоқаларидаги иштирок этиш салоҳиятини тавсифлайди. Демак, микродаражада ташқи иқтисодий

фаолиятнинг муҳим функцияси корхонанинг рақобат устунликларини халқаро даражада амалга ошириш ва унинг жаҳон хўжалиги алоқалари тизимида иштирок этишини таъминлашдан иборат. Республикамиз жаҳон майдонида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириши учун бир қатор вазифаларни амалга ошириш лозим (3-расм).

Валюта қиймати маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ўта муҳим аҳамият касб этади. Ўз экспорт салоҳиятини жадал ривожлантираётган кўпгина мамлакатлар (Чили, Колумбия, Мексика, Тайван, Хитой, Жанубий Корея, Индонезия) [20] экспортни рағбатлантириш учун ўз миллий валюталари қийматини сунъий тарзда паст даражада сақлаб туриш йўлидан борди. Улар айна мақсадда миллий валютани прогрессив қадрсизлантириш дастуридан фойдаланди, бунинг учун баъзида «судралувчи боғланма» услубидан (валюта қиймати унинг муайян даражада доимий ўзгариши белгилаб олинувчи тизим) фойдаланади ёки ўз валюталарининг кескин девальвациясини ўтказди. Бунда экспорт ҳажми ошиши зарур даражадаги қийматсизлантириш, шу билан бирга, бундай сиёсат самарадорлигининг асосий ўлчови ҳисобланади.



**3-расм. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонида ўз ўрнини топиши ва экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш\***

*\*Муаллиф ишланмаси*

Ташкилий шакллар нуқтаи назаридан давлат экспортчиларни қўллаб-қувватловчи махсус жамғармаларни тузиши мумкин ёки мамлакатда ва хорижда миллий ишлаб чиқарувчилар экспортини илгари сурувчи махсус ташкилотларга асос солиши мумкин. Бу ташкилотлар, асосан, давлат ташкилотлари ҳисобланиб, миллий экспортчиларни тижорий ахборотлар, маркетинг тадқиқотлари, хорижий харидорлар хизматлари билан таъминлайди, юклаш, ташиш ҳамда қадоқлаш бўйича маслаҳатлар беради.

Айни институтларнинг айримлари экспортчиларни тайёрлаш ва рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқди, шу билан бирга, уларни экспорт лицензиялари билан таъминлайди ҳамда сармояларни рағбатлантиришда иштирок этади. Одатда, корпорация инвестицион лойиҳаларнинг фақат бир қисминигина молиялаштиргани тўғрисида, унинг ёрдамида амалга оширилган маблағ ажратмаларининг ҳақиқий миқёслари анчагина йирикдир [21].

Буюк Британия тажрибаси ҳам бунга мисол бўлиши мумкин. Бу ерда ҳукумат Форин Офис ҳамда савдо ва саноат вазирлигига бўйсунувчи Халқаро савдо агентлиги (ХСА) га асос солди. У манфаатдор вазирлик ва бошқармалар, савдо палаталари, бизнес ассоциациялари ва биринчи навбатда, Британия саноати конфедерацияси ва Яширин экспорт кенгаши, шунингдек, Британиянинг хориждаги дипломатик миссияларининг тижорат бўлимлари фаолиятини мувофиқлаштиришга йўналтирилган [22].

### **Хулоса ва таклифлар**

Юқорида саналган экспортни рағбатлантириш чораси-маълум даражада турли мамлакатларнинг замонавий тажрибасида қўлланилади. Бироқ ушбу чоралардан алоҳида бирининг муайян бир вақт давомида ёки турли тараққиёт босқичида маълум бир давлат тажрибасидаги аҳамияти асло тенг қийматга эга эмас. Бу шу билан изоҳланадики, бугунги кунга келиб, экспортни рағбатлантиришнинг шу пайтгача қўлланган воситаларининг аҳамияти халқаро савдо шароитидаги изчил ўзгаришлар ва глобализация натижалари сабабли сезиларли даражада камайган. Мисол учун, бугунга келиб, экспорт кредитларини суғурталаш кенг тарқалган, ваҳоланки, бир неча ўн йиллар муқаддам экспортни субсидиялашнинг аҳамияти каттароқ бўлган.

Жаҳон бозорида савдо ўрни учун қатъий рақобат кураши олиб борилади. Хорижда исталган маҳсулотни сотиш маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, маҳсулотга талабни ўрганиш, ўз маҳсулотини реклама қилиш, ташишнинг муносиб қимматбаҳо воситаларидан фойдаланиш, етказиб бериш учун шартномалар тузиш ва заруратга кўра, ўз манфаатларини судда ҳимоя қилишни талаб этади.

Айни пайтда ташқи бозорлардаги савдо маҳсулотни чегарадош мамлакатлар ҳудудидан ташиб олиб ўтишни мураккаблаштирмоқда. Мазкур давлатлардаги транзит тўловларининг юқори даражаси ва транзит пайтида маъмурий чекловлар тўғрисида тўхтаб қолиш муаммоси мавжуд. Бу муаммоларнинг самарали ечими Марказий Осиёда ҳудудий интеграциянинг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳудудий интеграцион жараёнлар тараққиёти экспортнинг ривожланиши, мамлакатнинг экспорт салоҳияти ортиши, Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиёти билан интеграциялашуви тезлашишида муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Худудий интеграциянинг ривожланиши гарчи иқтисодий сиёсат юритишда қисман суверенитетдан воз кечишга олиб келса-да, бир қатор қулайликларга эга бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

янги соҳаларнинг оёққа туриши учун умумий ва шундан келиб чиққан ҳолда нисбатан улкан ресурслар ва бозорлардан фойдаланиш имконияти, миқёс самарасини берувчи йирик миқёсли ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳамкорлик ва ҳудуд ичкарасидаги ихтисослашув қулайликларидан фойдаланиш;

истеъмолчилар учун янада кенгроқ бозор ва маҳсулотлар ассортиментига кириш ҳуқуқи;

ҳудудлараро рақобатнинг ривожланиши ва глобал бозорларда маҳсулот ҳамда хизматларнинг рақобатбардошлилигини ошириш;

янада йирикроқ илмий-техник алмашинув имкониятлари кенгайиши ҳамда фан ва технологияларни ривожлантиришдаги биргаликда ҳаракатларни жамлаш;

янада баланслаган инфратузилмаларни ташкил этиш, масалан, транспорт, банк-молия, коммуникация ва ҳоказо.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январь ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”га фармони//Халқ сўзи., 2022 й., 1 февраль, №23.

2. Dixit A. 1983. International trade policy for oligopolistic industries. Conference Papers, The Royal Economic Society and The Association of University Teachers of Economics Brasenose College, Oxford.

3. Bernard, A.B., Eaton, J., Jensen, J.B., Kortum, S.S. 2003. Plants and productivity in international trade // American Economic Review. Vol. 93. № 4: 1268-1290.

4. Bernard A.B., Bradford J. J. 2001. Why some firms export. NBER working paper. № 8349.

5. Bernard, A.B., Jensen J.B. 1997. Exporters, Skill-Upgrading, and the Wage Gap // Journal of International Economics. Vol. 42: 3-31

6. Bernard, A.B., Jensen, J.B., Schott, P.K., 2006. Survival of the best fit: exposure to low wage countries and the (uneven) growth of US manufacturing plants // Journal of International Economics. Vol. 68: 219— 237.

7. Auquier, A.A. 1980. Sizes of firms, export behavior and the structure of French industry // Journal of industrial economics. Vol. 29. № 2: 203-218.

8. Dixit, A., Norman. V. 1980. Theory of International Trade. Cambridge: Cambridge University Press.

9. Tybout, J. 2003. Plant- and Firm-Level Evidence on "New" Trade Theories. (Chapter 13, Volume 1) / in Handbook of International Trade, edited by K. E. Choi and J. Harrigan, Oxford, UK: Blackwell Publishing.

10. Levinsohn, J. 1993. Testing the imports-as-market-discipline hypothesis // Journal of International Economics. Vol. 35: 1-22.

11. Eccles R.G. 1981. The quasifirm in the construction industry // Journal of Economic Behavior and Organization. Vol. 2. № 4: 335-357.

12. Козлов К.К. 1999. Влияние членства в финансово-промышленных группах на конкурентоспособность российских фирм на мировом рынке. Препринт № BSP/99/029. М.: Российская экономическая школа.
13. Shultz D.E., Kichen Ph.J. Commucating globally: An integrated marketing approach. Chicago, 2000. – p. 275/
14. Лясников Н.В., Лясникова Ю.В. Международная маркетинговая деятельность многонациональных компаний в условиях нестабильности. // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2016. Т. 7. № 4. С. 161–166.
15. Ахмедов И. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда халқаро маркетингнинг аҳамияти.
16. Мингалева Ж.А., Оборина Е.Д. Разработка стратегии внешнеэкономической деятельности региона в программах структурной модернизации экономики //Вестник ПГУ. Серия: Экономика. 2010. - №1.
17. <https://sputniknews.uz/20240123/ozbekistonn-tashqi-savdo-aylanmasi-42169695.html>
18. Ахмедов И.А. Халқаро маркетинг тамойиллари ва маркетинг тадқиқотини амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари.//Жамият ва бошқарув. -2017, №4.
19. Ахмедов И.А. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда халқаро маркетинг тамойилларидан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари.// Бизнес-Эксперт. - 2016, №1.
20. Бобожонов Б.Р., Мингишов Л.Ў. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош sanoat маҳсулотларининг ўрни. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2014 йил 3 [www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
21. Голубков Е.П. Основы маркетинга. – М.: Финпресс, 1999. – 688 с.
22. Зулькарнаев И.У., Ильясова Л.Р. Метод расчета интегральной конкурентоспособности промышленных, торговых и финансовых предприятий. – М.: Маркетинг в России и за рубежом. – 2001. – № 4(24).